

XVI ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИДА

ЯКУН ВА РЕЖАЛАР

(Боши биринчи бетда)

Ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқаришни такомиллаштириш, иқтисодий омишлардан ишнинг кўзини ихтиёда билиб фойдаланиш, моддий ва маънавий рағбатлантиришни бирга қўшиб олиб бориш, техника муваффақиятларини собит қадимлик билан амалга ошириш техника иқтисодий кўрсаткичларининг яхшиланшига ёрдам берди. Меҳнат унумдорлиги ортиб бораверди. Эндилда янгилаш ишлаётган 246 корхонада область реализация қилаётган маҳсулотнинг 84 проценти бермоқда. Партия ташкилотлари ва корхона раҳбарлари иқтисодий ихлоқот имкониятларидан ишнинг кўзини билиб фойдаланаётганлари учун ҳам ихлоқот самаралари, айниқса, равшан сезилмоқда.

Бу борада Чирчиқда қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металл комбинати партия комитетининг иши ибратли ва намуналидир. Корхонанинг партия комитети комбинат раҳбарлари ва мутахасссларининг диққат-эътиборини ҳамма янги техникани, технологияни, илгор иш методларини жорий этишга қаратмоқда, ҳар бир ишчида, ҳар бир ҳодимда тоширилган иш учун юксак масъулият ва жавобгарлик ҳиссини тарбиялаш учун мустахкам тарбиявий иш олиб бормоқда. Бу корхонада кадрларнинг иқтисодий ўнқивига, айниқса, катта эътибор берилади. Бунинг шарофатини эса биз корхона иш натижаларида аён кўриб турибмиз.

Партия XXIII съезди ва КПСС Марказий Комитетининг шоль Пленуми қарорларига мувофиқ тарзда техника тараққиётининг йўналишини белгилаб берадиган санаот тармоқлари, яъни энергетика, химия, машинасозлик, рангли металлургия янада тараққий этиди. Ҳисобот даврида пахта териш машиналари ишлаб чиқариш 58 процент, трактор прицеплари тайёрлаш 22 процент кўпайди. Сўнгги уч йил мобайнида минерал ўғит ишлаб чиқариш 31 процент ортди.

Енгил, озиқ-овқат ва маҳаллий санаотнинг асосий фондлари беш йилда 1,5 баравар кўпайди.

— Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Тошкент обкоми ҳисоботи юзасидан чиқарган қароридида ўқитиб ўтилганидек, — деди докладчи, — ҳали санаотимиз ишида жиддий камчиликлар бор. Бир қанча корхоналарда асосий фондлардан дуруст фойдаланмаётмир. Усуқуларнинг беқор туриб қолганига йўл қўйилмоқда. Анчагина завод ва фабрикалар маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш планларини бажара олмаётирлар. Меҳнат унумдорлиги суст ўсмади. «Подъёмник», электротехника ва трансформатор заводларида ой бошида хотиржанлик, охирида эса шовша-шошарлик бошланади. Оқибатда маҳсулот сифатига, корхона экономикасига пўтур етди. Халқ истеъмол буюмлари тайёрлаётган корхоналар ишида ҳам жиддий камчиликлар борлигини докладчи фактлар асосида кўрсатиб ўтди. Шаҳар ва район партия комитетлари қолоқ корхоналар фаолиятини пухта ўрганиб, уларнинг ишини яхшиламоқ учун зарур чора-тадбирлар кўрмоқлари лозим.

Докладчи капитал қурилиш масаласини тўхталар экан, Тошкентни тиклашда бинокорлар кўрсатган улкан жасоратни алоҳида таъкидлаб ўтди. Беш йиллик мобайнида республикамиз пойтахтида 4,9 миллион квадрат метр уй-жой қурилди...

Бинокорлар йирик объектлар қурилишида тармоқ планлаштиришни қўлланш борасида анчагина тажриба тўпладилар. Бунинг шарофати билан техникани, моддий ресурсларини бир ерга жамлаб сарфлаш, қурувчилар, монтажчилар ва лойиҳачилар ишини бекамиякўст уюштириш, меҳнатни илмий асосда ташкил этиш мумкин бўлди. Натияжада Олмаолик химия заводи ва рух заводлари жуда қисқа муддатда қурилди. Биз бу ўринда Олмаолик шаҳар партия комитетининг катта ташкилий ишини кўрсатиб ўтишимиз лозим.

Шу билан бир қаторда, капитал қурилиш соҳасида катта камчиликлар ҳам бор. Йил сайин капитал қурилиш планлари бажарилмапти. Беш йил мобайнида акратилган капитал маблағларнинг 92,4 проценти ўланштирилди, қурилиш-монтаж ишлари плани эса 90,6 процента қолиб кетди.

Ҳисобот докладчида қишлоқ хўжалигининг тараққиётини чуқур таҳлил этилди. Уни янада ривожлантириш йўллари кўрсатиб ўтилди. Планлаштириш йўллари ривожлантириш системасининг такомиллашуви, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларига ҳарид нархларининг оширилиши билан қолхозчилар ва совхоз ишчиларининг меҳнатдан маънафатдорлиги янада ортди, деярли ҳамма қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва даволатга сотиш беш йиллик планлари охирида бажарилди. Беш йиллик планга қўшимча тарзда 100 минг тонна пахта, 104 минг тонна қанон, 97 минг тонна деяр, 126 минг тонна сабзавот ва бошқа маҳсулотлар сотилди. Область деҳқонлари юбилей йилда маҳсулотини ҳамма турларини сотиш планларини ошириб адо этилди. Пахтакорлар катта ғайрат-шиқоат билан ишлаб, юбилей йилда мўлдатдан 42 минг тонна кўп пахта сотдилар.

Республика халқ контроли комитетлари жонажон партияимизнинг назорат ишга меҳнатқашлар оммасини кенг жалб қилиш ҳақидаги кўрсатмасига амал қилиб, партия ташкилотлари раҳбарлигида халқ контроли органларининг асоси ва энг оммавий эвеноси бўлган халқ контроли группа ва постларини ташкилий жиҳатдан мустахкамлаш ва уларнинг фаолиятларини янада активлаштиришга доимо катта эътибор бериб келмоқда.

Бу вазифани муваффақиятли ҳал қилишда Узбекистон Компартияси Марказий Комитети томонидан халқ контроли группа ва постларининг шу йил февраль ва март ойларида меҳнатқашлар коллективлари олдига ҳисоботларини ўтказиш ҳақидаги қарори муҳим аҳамиятга эгадир.

Маъзур қарорга биноан, область партия комитетлари қабул қилган маъсус қарорларида шаҳар ва район партия комитетлари ҳамда бошланғич партия ташкилотларига халқ контроли группа ва постлари ҳисоботи қўйилган йиғилишларни тайёрлаш, уларни ташкилий жиҳатдан уюшқоқлик билан юқори савияда ўтказишга бошқилик қилиш вазифаси юклетилган.

Партия органлари халқ контроли комитетлари билан биргаликда ана шу йиғилишларни ўтказиш графикларини ишлаб чиқдилар ва уни тасдиқладилар. Ушбу тадбирларни қўрқона, ташкилот, қолхоз ва совхозларда ўтказишда комитет ва гуруҳларга амалий ва конкрет ёрдам кўрсатиш учун область, шаҳар ва район партия комитетларининг аъзолари, халқ контроли комитетларининг аъзолари ва ходимлари бйриктиб қўйилди.

Худди шу мақсадда партия комитетлари ва халқ контроли комитетларида бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари ҳамда халқ контроли гуруҳларининг

Областимизда санаот яхши тараққий этган. Шунинг учун ҳам сўт, гўшт, туҳум, сабзавот, мева ва узум етиштиришни тобора кўпайтириш гоят катта аҳамиятга эгадир. Шу боисдан ҳам Калинин, Оржоникиде ва Бўстонлик районлари маҳсулотини ана шу турларини етиштиришга ихтисослаштирилди. Натияжада шаҳар аҳолисини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаш яхшиланди. Область қишлоқ хўжалиги кўп тармоқли бўлса-да, лекин унинг етакчи тармоғи пахтачиликдир. Область пахта етиштириш беш йиллик планини бажарди. Лекин бу хали бизда резерв ва имкониятларнинг ҳаммаси нига солиниди, деган гап эмас. Еттига пахтачилик районидан олтинчи беш йиллик плани бажарди. Бекобод району эса бу вазифанинг улдасидан чиқа олмади. Хўш, бунинг сабаби нимада? Бунинг асосий сабаби шундаки, Бекобод район партия комитети ва район ижроия комитети, қишлоқ хўжалик органлари хўжаликка пухта раҳбарлик қилмадилар, агротехника қўпол равишда бузилди, механизацияга эътибор бўлмади, раҳбар ходимлар ўртасида давлат ва партия интизоми бўшашиб кетди...

Пахтачиликни янада ривожлантиришнинг областдаги беш резерви ҳосилдорликни оширишдир. Бизда анчагина хўжаликлар ҳар гектарда 30-35 центнердан ҳосил олмадилар. Аммо, афсуски, 45 қолхоз ва совхозда ҳосилдорлик областдаги ўртача кўрсаткичдан яъни 26 центнердан паст. Ҳамма қолоқ хўжаликлар ва бригадаларни, бўлимларни илгорлар қаторига кўтарасан, биз қишмица тарзда анчагина ҳосилни қўлга киритган бўламиз. Шу билан бирга пахтачиликдаги чеканик, сўғориш, пахтани ортиқ каби ишларда механизация воситаларидан кенг қўлланмаётган хўжаликлар ҳам бор. Ана шу қолхоз ва совхозларнинг раҳбарлари механизацияга панжа орасидан қараб, кўл меҳнатига кўз тикиб ўтирибдилар.

КПСС Марказий Комитетининг 1970 йил шоль Пленуми қарорларида қолхоз ва совхозларни энг янги техника билан жиҳозлашнинг асосий йўл-йўриқлари кўрсатилган. Қишлоқ хўжалигини механизациялашда хўжаликларни техникавий жиҳатдан қайта қурилантириш ва маъмул техникадан тўла-тўла фойдаланишдек, иккинчи асосий йўлдан борилади. Афсуски, қишлоқ хўжалик техникасидан фойдаланиш ҳозирги талаблар даражасида эмас. Область қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлиги пастлиги Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг қароридида кўрсатиб ўтилган эди.

Докладчи чорвачиликнинг ҳозирги аҳволи ва ҳал этилиши лозим бўлган муаммоларига ҳам батафсил тўхталиб ўтди.

Ҳисобот даврида область партия ташкилотлари фаолиятининг энг муҳим устакларидан бири идеология иш бўлди. Партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотлари меҳнатқашларни коммунистик руҳда тарбиялаш борасида катта иш қилдилар. Идеология ишининг яхшиланшига кўп жиҳатдан В. И. Ленин юбилейига тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш баъоакали таъсир кўрсатди. Шаҳарком, райком ва қўлғина бошланғич партия ташкилотлари улуғ Ленин голийи меросини пропаганда қилишда самарали иш қилдилар.

Докладчи ташкилий-партиявий ишлар тўғрисида ҳам батафсил гапирди. Утган уч йил мобайнида область партия ташкилотлари сон жиҳатдан ўсди. Партиявий-сиёсий ва ташкилий ишлар савияси кўтарилди, партия турмуши ва партиявий раҳбарлик принципининг лойиҳа нормаларига янада қатъийроқ риоя қилинади қилиб қолди.

Янгида бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишлари ва конференциялар бошланғич ташкилотларнинг жанговарлиги ўганганлидан, коммунистларнинг иқоидий активлиги ошганлигидан, улар коммунистик қурилишнинг янги вазифаларини бажаришга шай бўлиб турганликларидадалат берди.

Ҳисобот даврида область партия ташкилотлари сафинга 14 минг 421 киши қўшилди. Эндилда область партия ташкилотлида ишчи ва қолхозчилар салмоғи 51,4 проценти ташкил этди.

Назорат ва ижроия текшириш партия ишининг асосий лойиҳа принципидир. Область партия комитети контролнинг формаларини такомиллаштиришга катта эътибор берди. Қарорларнинг бажарилишига эришти. Ҳар бир тадбирнинг самарасини ошириш ҳақида гапхўрлик қилди. Областининг партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотлари ўз ишининг услуб ва методларини такомиллаштириб бормоқдалар. Обком, шаҳарком ва райкомлар, қўлғина бошланғич партия ташкилотлари ўз диққат-эътиборларини энг асосий масалаларга қаратиб, перспектив план асосида ишламоқдалар.

ДИРЕКТИВАЛАР—КЕЛАЖАК КЎЗГЎСИ

Конференцияда доклад қилган обкомнинг иккинчи секретари Б. М. Истомин СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг

1971 — 1975 йилги беш йиллик плани юзасидан КПСС XXIV съезди Директивалари лойиҳасидан келиб чиқадиган муҳим вазифалар ҳақида гапирди. Бу ҳужжат — деди докладчи, — партияимизнинг лойиҳа беш йилнинг ёрқин ифодасидир. Унда совет халқининг тўб манфаатлари ифода этилган, у келажакнинг кўзгуси сифатида халқ хўжалигининг навбатдаги улугвор масалаларини белгилаб боради.

КПСС Марказий Комитети раҳбарлиги остида ва Совет ҳукуматининг доимий таъхуриги туфайли республикамиз, шу жумладан областимиз меҳнатқашлари ҳам саккиз йиллик беш йиллик вазифаларини муваффақиятли адо этилди. Партия ва ҳукуматимиз область меҳнатқашларининг бу ютуғини юксак баҳоладилар. Санаот ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўйича беш йиллик топириқларини муваффақиятли бажарганлиги учун областимиз иккинчи марта Ленин ордени билан тақдирланди. Қўлпа ишлаб чиқариш коллективлари, шунингдек илмий ва ўқув муассасалари ҳам Совет Иттифоқининг орденлари билан мукофотланди.

Тўққизинчи беш йиллик план совет жамятининг коммунизм сари олга боришида яна бир муҳим босқич бўлиб хизмат қилди, мамлакатимизнинг моддий-техника базаси, иқтисодий ва муҳофаа қувватини янада мустахкамлади. Директивалар лойиҳаси областимиз меҳнатқашлари олдига катта вазифаларни қўяди.

1971—1975 йилларда электр энергетикаси янада юксалади. Тошкент ГРЭСи тўла қувват билан ишга туширилади. Чорвоқ ГЭСи эса областининг йирик электр энергия манбаига айланади. 144 минг киловатт қувватга эга бўлган Хўнакент ГЭСи қурилиши тамомланади. Газалент ГЭСи қурилиши бошланади.

Директивалар лойиҳасида Узбекистон металлургия заводини реконструкция қилиш кўзда тутилган. Бу завод 1975 йилга бориб 1 миллион 135 минг тонна пўлаз ва 723 минг тонна прокат ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади. Рангли металлургия тарғи ҳам ривожланади.

Химия санаоти юқори суръатлар билан юксалтирилади. Чирчиқ электрохимия комбинатини реконструкция қилиш ва унинг ишлаб чиқариш қувватини ошириш билан бирга, Олмаолик химия заводининг иккинчи навбатига ҳам қурилади. Натияжада бу заводда 1,9 миллион тонна минерал ўғит ишлаб чиқариш имконияти туғилади. Докладчи область санаотининг яна бошқа катта истикболлари ҳақида ҳам атрафчилик гапириб ўтди. Тошкент шаҳрида йилга 3 миллион жуфт пойфазла ишлаб чиқарадиган фабрика ишга туширилади. «Қизил тоғ» ва 2-тиқувчилик фабрикалари реконструкция қилинади. Чини заводи яқин орада йилга 25 миллион дондан маҳсулот ишлаб чиқара бошлайди.

Партия, совет ташкилотлари, хўжалик раҳбарлари завод ва фабрикаларни қуриш ҳамда реконструкция қилишнинг белгиланган программаларини бажаришни қатъик назорат остига олишлари керак.

Директиваларда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг янада ривожлантириш йўллари ҳам аниқ белгилаб берилган. Бунинг учун биринчи галда қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базасини ҳар томонлама мустахкамлаш, деҳқончилик ва чорвачиликни комплекс механизациялаш, ерларни мелiorация қилишни яхшилаш, химиялаштириш йўли билан қишлоқ хўжалигини интенсификациялаш талаб этилади. Директивалар лойиҳасида кўрсатилишича, Узбекистон ССР 1975 йилга бориб 4,9 миллион тонна пахта етиштиришни керак. Сабзавот, гўшт, сўт ва туҳум етиштириш кўтариш билан бирга, областимиз тўққизинчи беш йилликда пахта ҳосилдорлигини ҳам кескин ошириши зарур. 1971 — 1975 йиллар мобайнида область давлатга 1,7 миллион тонна пахта топириқини кўзда тутилган. Шунингдек дон, картошка, сабзавот, мева ва узум етиштириш, жун ва пидла топириқини ҳам кўпайди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш бўйича белгиланган марраларни ағзалат қилиш, энг аввало экин майдонларининг ҳосилдорлигини ошириш ва янги ерлар очниш зарур бўлади.

Партия ва ҳукуматимиз қишлоқ хўжалиги моддий-техника базасини мустахкамлаш йўлида тинмай гапхўрлик қилиб келмоқдалар. Янги беш йилликда область қишлоқ хўжалигини юксалтириш учун 357 миллион сўм миқдорда капитал маблағ сарфлашни кўзда тутилган. Қолхоз ва совхозларнинг техника қуввати янада ортади.

Директивалар лойиҳасида транспортнинг янада ривожлантириш масаласи ҳам кўрсатиб берилган. Областа янги беш йилда 1500 километрни автомобиль йўллари қурилади ва реконструкция қилинади. Тошкент ва Олмаолик шаҳар электр транспорт йўллари янада кенгайтирилади. Чирчиқ шаҳрида троллейбус қатновини йўлга қўйиш кўзда тутилган. Шунингдек, алоқа воситаларини ривожлантириш бўйича ҳам областда жуда катта ишлар амалга оширилади.

1971—1975 йилларда қурилишнинг ишлаб чиқариш базалари янада ривожлантирилади.



XVI Тошкент область партия конференцияси делегатларидан бир гуруҳи. И. Глауберзон фотоси.

Натияжада қурилиш ташкилотларининг қуввати анча юксалади ва қурилиш сифати яхшиланади. Масалан, Ангренда йилга 92 миң квадрат метр уй-жой қуриш қувватига эга бўлган йирик панелли уй қуриш заводи бунёд этилади. Қишлоқ қурилишнинг ривожлантириш мақсадида Бўна ва Луначарское посёлаларида автобазалар бунёд этилади. Келес ва Ново-Михайловна посёлаларида қурилиш трестларининг ишлаб чиқариш базалари Сергелнда ёғочсозлик заводи қурилади. Охангарон цемент комбинати, «Стройластмасс» комбинати, Ангрен қурилиш материаллари комбинатининг ишлаб чиқариш қувватлари кучайтирилади.

Совет ишчиларининг турмуш даражасини кўтариш партияимизнинг доимий беш вазифаси бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмади. Меҳнатқашлар турмушини янада кўтариш бўйича областимизда ҳам тўққизинчи беш йилликда катта ишлар амалга оширилади. Бу вазифаларнинг тўла бажарилиши областимиз қўйғасини янада ўзгартириб юборади.

МИНБАРАД—КОНФЕРЕНЦИЯ ДЕЛЕГАТЛАРИ

Конференция делегатлари обкомнинг ҳисобот докладини ва СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1971—1975 йилги беш йиллик план юзасидан КПСС XXIV съезди Директиваларининг лойиҳаси тўғрисидаги масалани қизгин муҳокама қилдилар, область халқ хўжалигини ривожлантиришдаги муваффақиятларни таъкидлаб кўрсатдилар, камчиликларни партиявий принципаллик билан танқид қилдилар, пойтахт областининг экономика ва маданиятининг янада тараққий этишини борасида қимматли тақлиф ва мулоҳазаларни ўртага ташладилар.

Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари С. Р. Расулов пойтахт меҳнатқашларининг беш йиллик планларини илмий асосида эришган зафарлари ҳақида сўзлади. Уртоқ С. Р. Расулов санаот корхоналари ва қурилиш ташкилотлари ишидаги камчиликларга ҳам батафсил тўхталиб ўтди.

Олмаолик шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари Г. С. Чўрушқов сўзга чиқиб қўйғидиларини айтди:

— Шаҳар партия комитети, бошланғич партия ташкилотлари техникавий тараққий этиришга, янги ишлаб чиқариш қувватларини жадал ўзлаштиришга, йирик корхоналарни қисқа муддатда қуриб битказишга катта эътибор бормоқдалар. Олмалик аммофос заводи ва рух заводлари жадаллик билан қурилатгани республикамиз бинокорлари ва монтажчилари навадир катта имкониятларга эга эканликларини кўрсатди. Шу кунларда шаҳар коммунистлари КПСС XXIV съезди Директивалари лойиҳасини қизгин муҳокама қилмоқдалар. Бу тарихий ҳужжатда шаҳаримиз меҳнатқашлари зиммасига ҳам катта вазифалар юкланган. Аммофос заводининг ик-

кинчи навбатини ишга туширишимиз, рангли металлур ишлаб чиқаришнинг янада кўпайтиришимиз керак.

— Кейинги йилларда деҳқонларимиз мукаммал машиналар, ҳосил витамини бўлган минерал ўғитлар, гербицидлар ва химикатларни тобора кўп олмадилар, — деди Оққўрғон район партия комитетининг биринчи секретари С. М. Тоиров. Бунинг шарофати билан пахта ҳосилдорлиги ортмоқда. Районимизда қанон, шол, мева, чорвачилик маҳсулотлари ва балиқ етиштириш ҳам анча кўпайди. Беш йилликнинг янги марраларини ағзаллашимиз учун сўғориладиган ерларнинг ҳосилдорлигини янада оширишимиз керак.

Делегатлар 153-қурилиш трестига қарашли 14-бончарма пробаби Р. Абдуқасимов ва Калинин районидаги Охунбобоев номли қолхознинг бригадари Р. Ҳасанов ўртоқларининг кўтқуларини катта эътибор билан тингладилар. Нотиқлар ўзлари ишлаётган соҳаларда меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини кўтариш ҳақида, партияимиз XXIV съезди шарафига бошланган социалистик муҳокама самарали патналар бераётганлиги тўғрисида сўзладилар. Чирчиқ элчи халқ комитетининг аппаратчини Н. Гузенко аъло сифатли маҳсулот — тайёрлаш тажрибасини мароқ билан гапириб берди.

Тошкент авиация заводи елқ партия комитети секретари Ф. Пискорский корхона коммунистларининг ибратли ишлари ҳақида сўзлади. Дех партия ташкилотларининг обрў-эътибори ортиб бормоқда. Улар социалистик муҳокамага бошчилиқ қилишмоқда топирилган иш учун ҳодимларнинг масъулиятини оширишмоқда, меҳнат интизомининг мустахкамлаш чораларини қўришмоқда.

Конференцияда йиғилмадан ортиқ делегат кўч сўзлади. Область коммунистларининг анжумани область партия ташкилотини ривожлантиришга янада қатъий ҳисоботни ҳам тингладилар.

Конференцияда Узбекистон КП область комитетининг ва ревизия комиссиясининг илги состави сайланди. Узбекистон Компартияси XXIII съездида ва Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXIV съездида делегатлар сайланди.

Конференцияда КПСС Марказий Комитети Сёсий бюроси аъзолитига наидат, Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов қатнашди ва кўч сўзлади.

Конференция ишида Узбекистон КП Марказий Комитети бюроси аъзолари ва бюро аъзолитига наидатлар Н. Г. Анненкин, И. Р. Қўрбобов, В. Е. Ломоносов, О. У. Саломов, М. А. Абдуразақов, С. Р. Расулов, М. Т. Турсунов, Узбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Т. Н. Остров, Қизил байрқон Туркестон ҳарбий округи ишчилари Қўмондон генерал-полковник С. Е. Белоножко ўртоқлар иштирок этидилар.

А. АБДУҚОДИРОВ, О. УСМОНОВ.

МУҲИМ ПАРТИЯВИЙ ИШ

ХАЛҚ НАЗОРАТЧИЛАРИНИНГ ҲИСОБОТЛАРИ

раислари билан инструктор-кенгашлар ўтказилди. Уларда халқ контроли гуруҳлари ҳисоботларини ахшилаб тайёрлаш ва меҳнатқашлар йиғилишларини ташкилий томондан уюшқоқлик билан юқори савияда ўтказиш, асосий эътиборни янги беш йиллик Директивалари лойиҳасида қўйилган вазифаларга қаратиш, халқ назоратчиларининг жанговарлик фаолиятини тағини оширишга қаратилган тадбирларни белгилаб чиқиш лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Маълумки, халқ контроли гуруҳларининг ҳисоботларини эшитиш ва янгилик эмас, албатта. Чунки улар ўларнинг иш фаолиятлари ва ўтказилган текширувлар ҳақида коллективларни доимо хабардор қилиб турганлар. Бирок, ҳамма гап шундаки, бу ҳисоботлар оғда-сонда ва барча гуруҳларда ўтказилмаган эди. Шунинг учун ҳам халқ контроли группа ва постларининг ишдеги масъулиятларини янада оширишда бу муҳим воситига катта эътибор беришмоқда. Меҳнатқашларнинг бу йиғилишларини ўтказишда область, шаҳар ва район партия комитетларининг секретарлари ва бюро аъзолари қатнашмоқдалар. Масалан, Сурхондарё областидида халқ контроли гуруҳларининг ҳисоботлари юзасидан ўтказилган йиғилишларда область партия комитетининг биринчи секретари Н. М. Муродов ва шунингдек обком секретарлари Р. С. Эргашев, Х. Х. Олиёров, Термиз шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Ш. Х. Ҳикматов ва район партия комитетларининг биринчи секретари

тарлари иштирок этидилар ва сўзга чиқдилар. Шунингдек, республикамизнинг бошқа областларида ҳам халқ назоратчиларининг ҳисоботларида район, шаҳар ва область партия комитетларининг секретарлари ва Бюро ҳамда пленум аъзолари қатнашмоқдалар.

Халқ назоратчилари ҳаётияти бу муҳим воқеа муносабати билан ҳозир Узбекистон ССР Халқ контроли комитетининг раҳбарлари ва масъул ходимлари ҳам жойларга жўнаб кетдилар.

Бундай катта тайёргарлик корхона, ташкилот, қолхоз ва совхозларда группа ва постларининг ҳисоботларига бағишланган йиғилишларини уюшқоқлик билан ўтиши ҳамда ишчи-хизматчиларнинг кенг меҳнатқашлар оммасининг актив иштирок этишларини таъминлаш имкониятини бермоқда. 15 февралдаги биргина Самарқанд областидида 295 группа ва 620 халқ контроли постлари меҳнатқашлар ҳузурига ўз фаолиятлари ҳақида ҳисобот бердилар. Бу йиғилишларда 55 мингга яқин киши қатнашди. Шундан 1339 киши ҳисобот муҳокамасида сўзга чиқди. Тошкент шаҳрида эса 112 корхона ва ташкилотда халқ контроли гуруҳларининг ҳисоботлари эшитилди.

Халқ мулкнинг посбонлари бўлган халқ назоратчиларининг ҳисоботларини меҳнатқашлар катта қизиқиш билан

ҳам очиб ташладилар. Жумладан, группа хали корхонада электр энергиясидан тежамкорлик билан фойдаланиш борасида қилётган ишлари талаблар даражасида эмаслиги, пахтани қабул қилиб олиш вақтида амалдаги қондага ҳаммавақт ҳам тўлиқ риоя қилиш устидан етарли назорат ўрнатмаганликларини кескин танқид қилдилар. Йиғилиш қатнашчилари гуруҳларнинг асосий эътиборини республика Халқ контроли комитети ва «Правда Востока» газета редакцияси қаққиринга жавобан тежамкорлик, ички резервларни топиш ва ишга солиш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва тананҳарини арзонлаштириш юзасидан олиб бориладиган ишларни кўчайтиришга қаратди.

Лекин шунинг оқиб айтиш керакки, баъзи жойларда халқ контроли гуруҳларининг ҳисоботларига жиддий таёйргарлик қўрилмаётмир. Қилинган докладларда группа аъзоларининг фаолиятларига тегишли ҳақо берилмаётмир. Баъзи ҳисоботларда одамлар кам қатнашмоқда. Ҳисоботлар етарли ва актив муҳокама қилинмаётми, Халқ контроли гуруҳларини олдига аниқ вазифалар қўйилмаётмир. Халқ контро



СССР УЗБЕКИСТОН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИКА БОШЛАГАН. ♦ 23 февраль 1971 йил, сешанба ♦ № 45 (14.815). ♦ Баҳоси 2 тийин.

К П С С
Х Х И В
С Ё З Д И
Ш А Р А Ф И Г А



В. КАИДАЛОВ ишлаган плакат.

БУГУН-СОВЕТ АРМИЯСИ ВА ҲАРБИЙ-ДЕНГИЗ ФЛОТИ КУНИ

ИШОНЧЛИ ҚАЛҶОН

Бугун мамлакатимиз меҳнаткашлари, армия ва флотнинг жангчилари, чет элдан барча дўстларимиз улуғ Октябр — Ҳаққоннинг ишончли посбони — Совет Қуролли Кучлари тугилган кунини зўр тантана билан байрам қилмоқдалар.

Бу йил Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг 53 йиллигини тарихий воқеа — Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXIV съезидан арафасида нишонлаймиз. Улуғ Ленин партиясининг XXIV съезиди мамлакатимиз ва халқларимиз ҳаётида коммунистик наъмиёт қуришдан мураккаб ва улуғ йўлда янги тарихий воқеалар. Бу съезд КПСС XXIII съезидан сўнг ўтган йиллар ичда эришган тараққиётимизга яқин эсабона қолмай, халқ ўзалини ҳамма соҳаларининг, фан ва техниканинг совет халқи моддий фаровонлиги ва маданий даражаси янада юксалишининг улкан программасини ҳам белгилаб берди.

Совет Қуролли Кучларининг тугилиши, уларнинг қахрамонона тарихи В. И. Ленин номи билан. Коммунистик партия номи билан узвий боғлиқдир. Пролетар революциясининг ҳарбий программаси ва совет ҳарбий қурилишининг асосий принципларини шилба чиқишда, социалдастик Ватанини химоя қилиш тўғрисидаги таълимоти яратилган В. И. Лениннинг, КПССнинг тарихий хизматлари беқадр. Совет ҳарбий фанга ҳам В. И. Ленин асос солган эди.

Коммунистик партия ва унинг буюк ҳаққон В. И. Ленин томонидан тугилган Совет Қуролли Кучлари барча синовлардан шараф билан ўтди. Улуғ-Улуғ Октябр социалистик революциясининг ички ва ташқи душманларига қарши қахрамонона курашда ёш Қизил Армия қолди. У 1918—1919 йилларда оқғардиячилар ва АҚШ, Англия, Германия, Франция ва Япония сингари ўн тўрт империалистик давлатнинг иттервенциясини тор-мор қилди.

Коммунистик партия ва барча совет ҳаққонини доимий ғамхўрлиги ва меҳри билан қўришган СССР Қуролли Кучлари тинч социалистик қурилиш ишини шараф билан қўришадилар ва Совет Иттифоқининг давлат маъмуриятларини ишонч билан химоя қилдилар. Совет Армияси халқимизнинг тинч, яратувчи меҳнатини эфирлаштириш билан қўриқлай турди, 1938 йилда Хасан қўлида, 1939 йилда сар Халхин-Гол дарёсида янги агрессорларни, 1939—1940 йилларда фин урушқонларига қаттиқ зарба қилди. Ҳарбий Украина ва Ҳарбий Белоруссияга озодлик юрши қилди.

Совет Қуролли Кучлари Совет Иттифоқининг гитлерчилар Германиясига қарши улуғ Ватан уруши йилларида ўз жанговар байроқларини сўнас шухратларга бурқилдилар. Бу уруш халқимиз учун, унинг армияси ва флотини учун энг оғир синов йиллари бўлди. Урушнинг илк кунларидан оғир синов ва муваффақиятсизликлар ҳалқимизнинг, Совет Қуролли Кучлари жангчиларининг жанговар руҳини бука олмади, уларнинг галабага бўлган ишончларини йўқота олмади. Доно Ленин партияси раҳбарлиги қилаётган, Совет Иттифоқининг барча халқлари томонидан қўллаб-қувватланаётган Совет Армияси фашист галабаларига қарши мисли қўрилмаган мардик, жасурлик ва қаҳрамонлик билан жанг қилди.

Фашистлар Германиясининг ёвуз галабалар билан бўлган шиддатли олишувларда мардик ва жасурлик намуналарини кўрсатган. Туркистон ҳарбий округининг қисми ва қўшунмалари ҳам ана шу тарих саҳифаларидан муносиб ўрин олгандир. 83-тоққини, 17-ўқини ва 69-Қизил байроқли ўқини дивизионлар ана шулар жумласидандир. Округимизнинг 70 жангчиси Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилган. Со-

Генерал-полковник С. Е. БЕЛОНОЖКО Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондони.

вет кишилари округимизда тузилган ва тайёрланган, генерал И. В. Панфилов қўмондонлиги билан машҳур 316-ўқини дивизиони фахр билан тилга олишди. Политрук Қалочков-Диев бошлиқ панфиловчи қаҳрамонларнинг Ватанимиз пойтахти — Москва остонасида қўрсатган чеҳси жасоратлари бутун дунёга маълум.

Герман фашизмининг ваҳшийлашган гўдалари билан бўлган шиддатли олишувларда Совет Қуролли Кучлари мислсиз қаҳрамонлик кўрсатишди. 7 миллиондан зиёд солдат ва матрос, сержант ва старшина, офицер, генерал ва адмирал СССР орден ва медаллари билан мукофотланди. 11 миңдан зиёд жангчиси Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди.

Совет халқи Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари — жангчи-ўзбеклар Жўра Усмонов, Тўғрив Эриғитов, Турғун Аҳмедов, Қосимхўжаев генерал Собир Аҳмедов ва кўпгина жангчиларнинг номларини чуқур ҳурмат ва фахр билан тилга олади. Округимизда тарбияланган капитан Николай Гастелло Улуғ Ватан уруши йилларида мислсиз қаҳрамонлик кўрсатишди.

Совет Қуролли Кучларининг Ватанимиз кўп синли душманлари устидан қозongan улкан галабаларини кўрсатиб ўтар эканмиз, империалистик агрессорлар ўтган урушлар сабоғидан тўғри хулоса чиқариб олмаганликларини бирор дақиқа ҳам унутмаслигимиз керак. Социализмни кўрмоқлик ҳисси билан тўлиб-тошган империалистлар СССРга ва бошқа социалистик мамлакатларга бостириб киришининг жиноятқорона планларини ҳамон олға сурмоқдалар.

Мамлакатимизга ва бошқа социализм мамлакатларига қарши урушга тайёрлиб, империалистик доиралар ва энг аввало уларнинг таянчи — Америка империализми урушнинг улкан аппаратини, ядро, бактерияология ва химия қурилишини катта запасларини вужудга келтирдилар. Ўз қуролли кучларини тақомиллаштирмоқдалар. Уларга юртига ҳарбий базаларини жойлаштирмоқдалар, ҳарбий бюджетларини кўпайтириб, қуруланиш пойғисини авж олдиришмоқдалар.

Империалистик агрессорлар ер юзини кўпгина районларидан қаддан ташқари хавфли уруш ўчоқларини вужудга келтирдилар. Ҳозирги кунда Америка урушқонларининг айби билан Хинди-Хитойда вужудга келган танглик айниқса жиддий ҳаф тугдириб турибди. Бу ерда АҚШнинг каттагина экспедицион армияси етгинчи ҳарбий-денгиз флотини, ҳамма барча турдаги авиациянинг ёрдами билан Жанубий Вьетнам, Лаос ва Камбоджа ватанпарварларига қарши уруш олиб борапти. Бироқ Хинди-Хитойдаги уруш АҚШ агрессив сивасининг ўз мустақиллигини химоя қилаётган халқларгагина қарши қаратилган ягона ҳаракати эмас. У Яқин Шарқдаги уруш учунинг ташкилотчиларидан бири ҳамдир.

Агрессив империалистик кучларнинг тинчлик ва халқлар хавфсизлигига қарши ана шундай ёвуз хатти-ҳаракатларини қайтариш учун Совет ҳукумати, барча совет халқи СССР мудофаа қобилиятини ошириш ва Совет Қуролли Кучларининг қудратини мустаҳкамлаш учун ҳамма зарур чораларни кўрмоқдалар. Жононон партияимиз совет жангчилари тўғрисида, армия ва флотимиз қудратини янада ошириш тўғрисида тинимсиз ғамхўрлик қилиб келмоқда. Коммунистик партия ва Совет ҳукумати — армия ва флотимизнинг жанг-

варлик қобилиятини ошириш ва уни техника билан таъминлаш борасида айниқса ғамхўрлик кўрсатаптир. Партия ва ҳукуватимизнинг ана шу ғамхўрлиги ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар ва совет зиёлиларининг, мамлакатимиз бутун меҳнаткашларининг коммунистик қурилишдаги галабалари тугайли Совет Армияси жангчидан энг қудратли армияларидан бири бўлиб қолди.

Эндилда армиямиз шундай жанговар қуроллар билан таъминлангани, у шу пайтгача армия ихтиёрида бўлган ҳар қандай ўт очини устунлик қилади. Бугунги кунда Совет Армияси ва Флотини энг қудратли ядро қуролли ва дунёдаги энг яхши қитъалараро, глобал ва бошқа ракеталар билан қурулган. Ракета, шунингдек ядро қурилишини яратилиши қўшинларимизнинг техник яхлатдан қайта қуруланиши имконини берди, ҳарбий ишнинг ҳамма соҳаларида; жанг олиб бориш усулларидан, шахсий составини тайёрлаш ва тарбиялашда чинакам революцион бурлини эсди.

Туркистон ҳарбий округи қўшинлари Ватанимиз жанубий чегараларининг ишончли қалқонидир. Шунинг учун ҳам улар ўзларининг юксак жангчилик бурларини англаган ҳолда, жанговар ва сиёсий тайёргарликларини тақомиллаштирмоқдалар, ҳарбий нитизмни мустаҳкамлаб, сиёсий ҳушёрликларини оширмоқдалар, совет халқининг, Совет Қуролли Кучларининг жанговар ва революцион анъаналарини бойитмоқдалар. Совет Армиясининг қудратини унинг дунёда энг яхши қурулганлигидан эмас, балки солдатлар, офицерлар ва қўмондонлар, составининг тоғийи етуқлигида, партия раҳбарлигидан, Ҳарбий қисмларимизнинг меҳнаткашлар коллективлари билан ўзаро алоқадан ҳам бунда катта роль ўйнади. Округимизнинг кўпгина қисмлари жойларда ҳарбий ватанпарварлик тарбиясини йўлга қўйишда маҳаллий партия, совет ва комсомол ташкилотларига ёрдам бермоқдалар.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXIV съезидини муносиб кўниб олиш учун округ шахсий состави жанговар ва сиёсий йўлда янги ютуқларга эришиш йўлида социалистик мусобақани авж олдириб юборишди. Офицерлардан Максютин, Александров, Гуттов ва бошқалар хизмат қилаётган қисм ва бўлинмалар ана шу мусобақанинг олдинги сафларида бормоқдалар.

Жанговар ва сиёсий тайёргарликда, янги техникави муваффақиятли ўзлаштириб олиш ва муҳим давлат тошчириқларини бажаришда эришган юксак кўрсаткичлари учун округимизнинг ўлбал жангчилари Совет Иттифоқининг орден ва медаллари билан мукофотландилар.

Ватанимиз ва унинг Қуролли Кучларининг қудратини янада мустаҳкамлашга, совет ёшларини ўз армиясига салоқат руҳида тарбиялашга, уларни армия сафларида хизмат қилишга тайёрлашда комсомол, Армия, Авиация ва Флотга ёрдам кўрсатувчи кўнгилли жамоатчилик бўшқа кўпгина жағратчилик ташкилотлар, мудофаа клублари ва тўрақлардан муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Бу ишда уларга запасдаги ва истефодаги офицер ва гетергалар катта ёрдам беришмоқда.

Буларнинг ҳаммаси шубҳасиз, Совет Армиясининг ўз халқи билан мустаҳкам алоқада эканини кўрсатиб турибди.

Совет Қуролли Кучлари Коммунистик партия раҳбарлигида бундан буён ҳам партия инсониятининг порлоқ келажиги — коммунизм сари бораётган халқ ишига фидокорона хизмат қилаверади.

СССР МУДОФАА МИНИСТРИНИНГ Б У Й Р У Ф И

1971 йил, 23 февраль № 28 Москва шаҳри

Совет Қуролли Кучларининг жангчилари, ўртоқлар! Армия ва флот ветеранлари, ўртоқлар! Бугун совет халқи ва унинг жангчилари Совет Армияси билан Ҳарбий-Денгиз флотининг 53 йиллигини тантанали вазиетда нишонламоқдалар.

Бу йил шу байрам Коммунистик партиянинг ва бутун совет халқининг ҳаётида катта воқеа бўладиган КПСС XXIV съезиди арафасида нишонламоқда.

Совет кишилари беш йиллик плани муваффақиятли адо этиб, Ленин юбилей йилида эришилган муваффақиятларни мустаҳкамлаб, янги беш йиллик биринчи йили вазиетларини амалга ошириш учун сабот билан ишламоқдалар, жононон партияимиз сьезидида муносиб тайёргарлик кўрмоқдалар. Ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, зиёлиларнинг фидокорона меҳнати тугайли иктомий ишлаб чиқаришнинг самардорлиги ошмоқда, халқ хўжалиги барча тармоқларининг янада юксалиши таъминланмоқда. Меҳнаткашларнинг моддий фаровонлиги ва маданий савияси ўсмоқда. Ватанимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудрати кучаймоқда.

Коммунистик партия ва Совет ҳукуватининг ленинча ташқи сиёсати халқимизнинг тинч, бунёдкорлик меҳнатини учун қўлай шароитни таъминлаш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилишга қаратилган. Ленинча ташқи сиёсат социализм жаҳон системасини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга, халқлар озодлиги, мустақиллиги ва хавфсизлиги ишнинг химоя қилиш учун барча антимпериалистик кучларни жалб этишга қаратилган.

Совет Иттифоқининг тинчликсевар ташқи сиёсати халқаро империализмининг қарши ҳаракатига дуч келмоқда. Халқаро империализм искинликни кучайтириб, ер юзининг турли районларда қризисли вазиетларни вужудга келтирмоқда. Хинди-Хитойнинг тинчликсевар халқларига қарши АҚШнинг ваҳшийларча интервенцияси кучаймоқда. Исроил босқинчилари океан орқасидаги ҳимойларидан мадад олиб, Яқин Шарқдаги қризисни тинч йўл билан бартараф этишга тўққинлик қилмоқдалар. НАТО агрессив блокнинг, Ҳарбий Герма-

нидаги реваншчи ва янги нацист кучларининг қилмишлари Европада вазиетни соғломлаштиришга жиддий ҳалал етказмоқда.

Шундан бир шароитда Коммунистик партия билан Совет ҳукувати мамлакат мудофаа қобилиятини, армия ва флотини жанговар нуратини мустаҳкамлаш учун зарур чораларни кўрмоқдалар. Солдат ва матрос, сержант ва старшина ўртоқлар! Офицер, генерал ва адмирал ўртоқлар! Армия ва флотнинг запасдаги ва истефодаги ветеранлари! Сизларни умумхалқ байрами — Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз флотининг 53 йиллиги билан кутлайман.

Қуролли Кучларининг жанговар тайёргарлигини кучайтириш тақомиллаштириш, уларнинг шонли, жанговар традицияларини ардоқлаб асрашга ва кўпайтиришга, социалистик қадматли мамлакатлари армияларининг жангчилари билан интернационал дўстлигини мустаҳкамлашга, Сизга ишонч топирилган ҳарбий техника ва қуролни кўниб астойдил эгаллашга, ўзинингизни ватанпарварлик ва интернационал бурчинингизни шараф билан бажаришга ҳамма шай бўлиб турингиз.

Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз флотининг 53 йиллигини нишонлаш юзасидан БУОРАМАН:

Бугун, 23 февралда маҳаллий вақт билан соат 20 да Ватанимиз пойтахти — нахрамон шаҳар Москвада, Иттифоқ республикалар пойтахтларида, шунингдек қаҳрамон шаҳарлар — Ленинград, Волгоград, Севастополь, Одессада ва қаҳрамон галъа — Брестда байрам шарафига мушайра оғилсин.

Яшасин Совет Қуролли Кучларининг 53 йиллиги! Яшасин қаҳрамон совет халқи! Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига шон-шарафлар!

СССР мудофаа министри
Совет Иттифоқи Маршали
А. ГРЕЧКО.

ДИРЕКТИВАЛАР ЛОЙИ-
ҲАСИ БРОШУРА ҚИЛИБ
ЧИҚАРИЛДИ

Ўзбекистон нашриёти СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1971 — 1975 йилги беш йиллик плани юзасидан КПСС XXIV съезиди Директивалари лойиҳасини ўзбек тилида брошюра қилиб чиқарди.
Брошюра кўп нусхада нашр қилинган: (82ТАГ).

ВАТАН ПОСБОНЛИГИДА 53 ЙИЛ

Ўзбекистон меҳнаткашлари Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз флотининг 53 йиллигини КПСС XXIV съезидида тайёргарлик тугайли меҳнат гайратини жўш урган вазиетда нишонламоқдалар. 22 февраль кунини А. Навоий номи театрида ўтказилган тантанали мажлисда Тошкент гарнизонининг жангчилари, меҳнаткашлар коллективларининг вакиллари иштирок этишди. Маълуми шаҳар икромия комитетининг раиси Х. А. Асомов оқди, КПСС ленинчи Марказий Комитетининг Сиёсий бюросининг фахрий президиума сайлаш тўғрисидаги тақлиф гулдурдо қарасалар билан кўниб олдилди.

Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округи қўмондонининг биринчи ўринбосари генерал-лейтенант Н. М. Дудура Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз флотининг 53 йиллиги тўғрисида доклад қилди.



СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1971—1975 йилги беш йиллик плани юзасидан КПСС XXIV съезиди Директиваларининг лойиҳасини қизиқиш билан ўқиб чиқдик, унда белгилаган тадбирларни тўла маъқуллашмоқда. Чунки беш йиллик план коммунизм йўлидан, унинг моддий-техника базасини қуриш, мамлакатимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлаш йўлидан олға қараб қилаётган

ДИРЕКТИВАЛАР ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМАДА

МИРЗАЧҮЛ ИСТИҚБОЛИ

ган ҳаракатимизда муҳим босдиқ бўлади. Беш йиллик планда қилмоқ хўжалик махсуслотлари етиштиришнинг ўртача йиллик миқдорини ўтган беш йилликдагига нисбатан 20-22 процент ошириш кўзда тутилган. Бу мулавоқот тўғри.

Бригадамиз икки съезд орасида Мирзақўлнинг қоқ ўртасида қилмоқ 124 гектар майдонда деҳқончилик қила бошлади. Лекин ер осонлиқча армияга бўйсунма қолмади. Сизот сув чиқиб кетди, шўр кўтарилиди, тупроқ унумдорлиги паст бўлганлиги сабабли, экин яхши бўлмади. Пайкалларга беш-олти марта сув тараб шўр ювдик, зор-зори казиб сизот сувини қочирдик. Директивалар лойиҳасини ўқиб эканмиз, бошдан кеңирган ана шу қийинчиликлар кўз ўнгимизда намоён бўлди. Пахта етиштириш

зовурлар чиқарганимиз. Уни ҳар йили икки марта қазиб, чуқурлаштириб турамыз. Сув иншоотларини ҳам доим тозалаб борамиз. Мирзақўл шароитида лотоклар яхши иш берапти. Лоток ўрнатилган жойларда сув исроф бўлмайди. Шунинг учун бундан кейин ҳам лоток усулини кенг қўллашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Янги ўзлаштирилган ерларда илқоки борича лотокларни кўпроқ қуриш керак.

Айюнов ЕСҚОРАЕВ,
СССР Олий Совети депутати,
Социалистик Меҳнат Қаҳрамони,
Сирдарё области Киров районидаги «Партия XX съезиди» совхоз комплекс механизациялашган бригадаси бошлиғи.